

БАНК АХБОРОТИНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbirkорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 33 (1108), 2017 йил 17 август

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул
белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида

2017 йилнинг 22 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50000 сўм бўлган банкнота кўринишидаги янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги химояланган қоғозда тайёрланган.

50000 СЎМЛИК ҚИЙМАТИГА ЭГА БЎЛГАН БАНКНОТАДАГИ ХИМОЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАСНИФИ ВА ЖОЙЛАШИШИ

БАНКНОТАНИНГ ОЛД ТОМОНИ



50000 СЎМЛИК ҚИЙМАТИГА ЭГА БЎЛГАН БАНКНОТАДАГИ ХИМОЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАСНИФИ ВА ЖОЙЛАШИШИ

БАНКНОТАНИНГ ОРҚА ТОМОНИ



Банкнотанинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва «50000» рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламида «Дарча» ва «3Д» эффектли юзага чиқиб, ичкарига ботувчи эни 4 мм. бўлган химоя ипи ўтказилган.

Банкнота олд томонининг марказида Мустақиллик майдонидаги «Эзгулик» аркаси тепасидаги парвозга шайланган лайлақлар тасвирланган.

Чап юқори қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви мавжуд. Ушбу матн «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» сўз бирикмаси такрорланувчи микроматнли чизик билан ажратилган.

Микроматнли чизик остида «O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART» матни акс этган.

Матн остида тўқ яшил рангдаги Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Банкнота чап тарафининг пастки қисмида 50000 рақами ва «ELLIK MING SO'M» ёзуви мавжуд бўлиб, банкнотанинг қийматини билдиради.

Юқоридаги барча тасвирлар ва ёзувлар бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

(Давоми 2-бетда).

Ботир Захидов Марказий банк раиси ўринбосари бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан
Ботир Эркинвич Захидов Марказий банк Бошқаруви раисининг
ўринбосари этиб тайинланди.

Бунга қадар Ботир Захидов Марказий банкнинг Валюта операциялари Махсус бошқармаси бошлиғи лавозимида ишларди. У 2003 йилда Тошкент молия институтини, 2008 йилда Банк-молия академиясини тугатган.

Меҳнат фаолиятини «Асакабанк» АТБда бошлаган, 2005-2009 йилларда банкнинг ташқи иқтисодий алоқалар департаменти бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

Банкоматлардан нақд пул олиш имконияти яратилди

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат
Халқ банки томонидан пойтахтимиздаги 3 та деҳқон
бозорлари ҳудудида нақд пул олиш имкониятини бе-
рувчи банкоматлар жойлаштирилди.

– Олой, Юнусобод ва Қўйлик деҳқон бозори ҳудудида жойлаштирилган учта банкоматимизга тегишли дастурлар ўрнатилиб бўлинди ва жорий йилнинг 14 август кунидан синов тарқасида ишга туширилди, – дейди Халқ банкнинг Банк карталари асосида тўлов тизимларини ривожлантириш департаменти техник таъминот бўлими

бошлиғи Фаррух Назаров. – Бир кунда битта пластик картадан жами 100 минг сўмгача бўлган нақд пул ечиб олиш имконияти мавжуд. Банкоматга 1 000, 5 000 ва 10 000 сўмлик купюралар жойлаштирилган. Пластик картадан нақд пул ечиб олиш жараёни учун фойдаланувчи 1,5-2 дақиқа сарфлайди, холос. Эътиборлиси, нақд пул

ечиб олинаётганда пластик карта эгасидан ҳеч қандай комиссия тўлови ундирилмайди. Банкоматлар Uzcard тизимига уланган исталган банк пластик картасини қабул қилади. Ҳозирда банкоматлар асосан бозорлар ҳудудида жойлашгани учун уларнинг иш режими ҳам шунга мослаштирилган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, республикамизнинг бошқа банклари томонидан ҳам аҳоли гавжум бўлган турли ҳудудларда ана шундай банкоматлар ўрнатилмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Талабга мос уй-жойлар

Бугун намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган хонадонларни олишга интилаётган юртдошларимиз кўплаб топилади. Чунки қишлоқ бўладими, шаҳарми, республикамизнинг барча ҳудудларида қурилаётган намунавий уй-жойлар ўзининг қулайлиги ва арзонлиги билан барчанинг эътиборини тортмоқда. Шунинг учун уларга бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда.



2009-2016 йилларда мамлакатимизда уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасида аниқ, мақсадли ишлар бажарилди ва қишлоқ жойларда 1308 та турар-жой массивида умумий майдони 9 573 квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой қурилди. Бунинг натижасида қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда

янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисидаги Қарори бу йўналишдаги кенг қўламли ислохотларнинг мантикий даражаси бўлди ва қишлоқ қурилишида янги босқични бошлаб берди. Қарорга мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган ўсиб бораётган эътиёжларидан келиб чиқиб имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартлари жорий этилди.

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул
белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида**
(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказда Ўзбекистон Республикасининг хошияланган харитаси жойлашган бўлиб, унинг фони «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» сўз бирикмаси такрорланувчи микромаатн кўринишида ишланган.

Чап тараф пастки қисмидаги ва оқ рангли сатҳда жойлашган «50000» рақамлари тепасида етти та рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмидаги махсус белги арка тасвири кўринишида бўлиб, ёруғликка қаратилганда арканинг ранги банкнота орқа томонидаги рангли фон билан тўлдирилади.

Арканинг остида банкнота чиқарилган йил «2017» кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг пастки қисмида кўриш бурчагига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўриб турувчи «50000» рақами мавжуд.

Банкнотанинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори қисмида арка тасвири мавжуд бўлиб, ёруғликда кўрилганда банкнота олд қисмидаги тасвир билан бир-бирини тўлдирлади.

Банкнотанинг марказида «ANJUMANLAR SAROYI» меъморий биноси тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи «50000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотанинг қиймати сўз билан «ELLIK MING» кўрсатилган.

Шунингдек, банкнота қиймати «50000» кўринишида юқори ўнг ва пастки чап бурчақларда акс эттирилган.

Остки фон нафис чизиқлар қўлланилган ҳолда ишланган миллий нақшкор безаклар ва бўриб тургандек таассурот уйғотувчи банкнота қиймати кўринишидаги рақамли тасвирлардан иборат.

Пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI» матни жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари, айни пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.**

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда гендерли кредитлаш

«Пойтахт» бизнес марказида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кредитлашнинг гендер жиҳатларига бағишланган икки кунлик семинар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми (3-босқич)» кўшма лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Марказий банк кўмағида ташкил этилган тадбирда барча тижорат банклари масъул ходимлари иштирок этди.

Уни БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Фарид Караханов кириш сўзи билан очиб, семинар давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида белгиланган вазифалар, хусусан, аёллар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари банд-

лигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилганини, бу ўз навбатида, мамлакатда аёл тадбиркорлар учун ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Семинар БМТ маслаҳатчиси Дилдора Тожибоева томонидан интерактив усулда ўтказилди.

– Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари умумий сонига аёл тадбиркорлар тахминан 10 фоизни ташкил этади, – дейди **Дилдора Тожибоева**. – Бу ҳолат ўрганилганда хотин-қизларнинг бизнес билан шугулланишига бошланғич капитал ҳамда бизнес юриши соҳасида билим ва зарурий кўникмалар етишмаслиги

аниқланди. Мазкур семинарда биз мана шу жиҳатларни инобатга олиб, гендерли кредитлашни оммалаштириш нафақат тадбиркор, балки банклар фаолияти учун истиқболли натижалар беришини халқаро тажрибалар мисолида ҳам назарий, ҳам амалий мисоллар асосида тушунтиришга ҳаракат қилдик. Аёллар тадбиркорлиги молиявий сектор учун ҳали ўзлаштирилмаган, бироқ истиқболли бозордир. Тадқиқотларга кўра, аёл тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш банклар учун фойдалидир, чунки улар ўз кредитлари бўйича нисбатан камроқ дефолтга йўл қўядилар, тўловларда интизомлиликлари билан ажралиб туради, жамғармаларни шакллантиришга мойилдилар. Уларнинг банкларга хайрихоҳликлари кўпроқ кредит маҳсулотларини харид қилишга мойилликлари ва банкка янги миқозларни олиб келишларида намоён бўлади.

Қайд этилганидек, банк ходимларини гендерли кредитлаш хусусиятлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида ўтказилган семинарда 60 нафар иштирокчи кредитлаш жараёнида комплексли ёндашувини жорий этиш бўйича халқаро тажриба, микрокредитлашда банкларнинг гендерли таъсирчан сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир илғор хорижий тажрибалар билан таништирилди.

Назира МАВЛОНОВА.

Тижорат банклари томонидан кичик корхоналар, яқка тартибдаги тадбиркорларни микрокредитлаш тизимининг тобора соддалаштирилиши ва кучайтирилиши эвазига эса, бу борадаги ишлар аҳамияти янада ошмоқда.

– Қорақалпоғистон Республикасида транспорт хизматини кўрсатиш билан шугулланаман, – дейди **«Автотранс жой бар» МЧЖ раҳбари Маҳмуд Абдумуратов**. – Аҳоли турмуш тарзи ва даромадлари ошгани сари барча фаолият тури каби бизнинг соҳа олдига ҳам катта талаблар қўйилмоқда. Рақобат муҳитида илғор бўлиб, замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида «Ипотека-банк»нинг молиявий кўмағида (кредит миқдори 347 млн. сўм) жетон харид қилиб, хизмат кўрсатиш кўламини оширишга эришдик.

Жорий йилда «Ипотека-банк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жами 1 трлн. 300 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилиши мўлжалланган бўлиб, ўтган 5 ойда ана шу сингари хўжалик субъ-

Кичик бизнесга молиявий кўмак

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларининг такомиллаштирилиши натижасида соҳанинг иқтисодийдаги ўрни мустаҳкамланмоқда.



ектларининг 586,3 млрд. сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди (шу жумладан, кўрсатилган микрокредит хизматлари 125,3 млрд. сўм ҳажмида). Пировардида, 9599 та янги иш ўрни яратилиб, бандликка кўмаклашилди. Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис

соҳасини ривожлантиришга ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баравар кўп, яъни 130,7 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Шунингдек, бугунги кунда соҳада нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамияти юқори бўлган йўналишлар – аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес билан шугулланаётганларга кўмаклашиш, миллий хунармандчиликка асосланган кичик корхоналарга моддий мадад бўлиш ҳам мазкур муассаса фаолиятида устуворлик касб этади.

Бундан ташқари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ички бозорларимизни маҳаллий мева-сабзавот ва истеъмол товарлари билан тўлдирётган корхоналарга ҳам банк катта зъти-

бор қаратмоқда. Чунончи, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, ана шундай хўжалик субъектларига 218,5 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди.

– Бозор талабини ўрганиб, харид хусусияти юқори бўлган товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бизнес билан шугулланишда муҳим қоидалардан биридир, – дейди **«Бухоро смарт пласт» МЧЖ раҳбари Ҳайдар Смаргимов**. – Пластик идишларга бўлган талабдан келиб чиқиб, ана шундай фаолиятга қўл урдим. Иш курулинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар деганларидек, «Ипотека-банк»нинг молиявий ёрдамида (кредит миқдори 140 млн. сўм) корхонамизни замонавий ускуна асосида жиҳозладик, хомашё етказиб берувчилар билан ўзаро ишончли ҳамкорлик ўрнатдик, меҳнат ресурсимизни бутлаб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришдик. Интилганга толе ёр экан. Кейинги кунларда буюртмаларимиз тез суръатда ошиб бормоқда.

Наргуз АҲМЕДОВА.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 15 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.*)

1 Австралия доллари	3276,13	1 Канада доллари	3274,50	1 Норвегия кронаси	523,35	1 евро	4895,49
1 Англия фунт стерлинги	5401,09	1 Ҳитой юани	623,54	1 Польша злотийси	1144,61	10 Жанубий Корея вони	36,46
1 Дания кронаси	659,93	1 Қувайт динари	13776,70	1 Сингапур доллари	3052,21	10 Япония йенаси	379,19
1 БАА дирҳами	1131,12	1 Россия рубли	69,02	1 СДР	5858,36	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	4154,36	1 Украина гривнаси	161,68	1 Туркия лираси	1177,31		
1 Миср фунти	234,31	100 Ливан фунти	275,91	1 Швецция кронаси	511,33		
1 Исландия кронаси	39,01	1 Малайзия рингити	968,38	1 Швейцария франки	4304,15		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 4154,36 – (4126,45) | 1 EUR ▲ 4895,49 – (4879,06) | 1 GBP ▲ 5401,09 – (5385,85) | 10 JPY ▲ 379,19 – (372,76)

Серқирра ва сермазмун учрашув

Пойтахтимизнинг «Radisson Blue Hotel Tashkent» меҳмонхонасида «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан муассасанинг юридик хизмат департаменти ходимлари ҳамда барча филиаллари юристлари иштирокида семинар ташкил этилди.



Маълумки, Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, кадрлар малакасини, уларнинг ҳуқуқий онгини, маънавий-маърифий савиясини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида «Туронбанк»да тасдиқланган режа-жадвал асосида турли мавзуларда ўқув семинарлари ҳамда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Навбатдаги семинар ва давра суҳбати ҳам қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотиб, таассуротларга бой бўлди.

Биринчи сўзни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, устоз хонанда Нодира Пирматова олиб, иштирокчиларга миллий ашулаларимиз тарихи, мақом ва шашмақом йўналишлари ҳақида гапириб берди. Шунингдек, унинг жонли ижродаги қўшиқлари йиғилганларни ўзига ром этди. Кўпинча учрашувларда санъаткорларнинг чиқиши тадбир сўнгига қўйиларди. Аммо ушбу семинарда бунинг акси экан. Бунинг сабабини тадбир сўнгида билдик.

Ўқув-семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари кафедраси бошлиғи Хуршид Каримов сўзга чиқиб, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ва ҳаётга таътиқ этиш механизмлари тўғрисида батафсил гапириб берди.

Маълумки, коррупция, яъни пора олиш, бериш ёки воситачилик қилиш ўта оғир жиноят саналади. У мамлакат тараққиётига сал-

бий таъсир этмасдан қолмайди. Шу боис ҳам жаҳон бўйлаб бу иллатнинг олдини олишга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Бу борада юртимизда ҳам сўнги йилларда кескин чоралар кўрилиб, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жорий йил бошида қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳам шулар сирасидандир. Шунингдек, 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг самарали бўлишига замин яратмоқда.

Айнан семинарда ушбу мавзуга тўхталиш банк ходимлари учун ҳам фойдали бўлди. Чунки коррупция иқтисоднинг локомотиви ҳисобланган банклар фаолиятига салбий таъсир этмасдан қолмайди. Шу боис банкларда коррупцияга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш юристлар учун муҳим вазифа эканлиги хусусида алоҳида тўхталинди. Шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жазолар бўйича ҳам иштирокчиларга етарлича маълумот берилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёрдамчиси Азиз Мирзаев сўзга чиқиб, Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил

21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ижроси юзасидан республикамиз суд тизимида жаҳон амалиёти ва замон талабларидан келиб чиқиб амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини семинар иштирокчиларига бирма-бир тушунтириб ўтди. Шу билан бирга, маърузачи банк ходимлари суд амалиётида бевосита тўқнаш келиши мумкин бўлган мунозарали вазиятларда қандай йўл тутиши, қайси қонунчилик нормаларидан фойдаланиши лозимлиги бўйича аниқ тушунтиришлар берди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўртасида қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Айниқса, банк юристларининг суд тизимида боғлиқ бўлган кўплаб саволлари ўз ечимини топди. Қолаверса, улар фаолиятида суд тизими ва банк ўртасидаги тушунмовчиликлар юзасидан ҳам ўз таклифларини билдиришди.

– Бундай учрашувлар ҳар биримиз учун фойдалидир, – дейди «Туронбанк» АТБнинг юридик хизмат департаменти директори ўринбосари Бекзод Арипов. – Чунки фаолиятимиз давомида турли англашилмовчиликларга, муаммоларга дуч келамиз. Уларнинг ечимини топишда мана шундай семинарлар асосида. Қолаверса, учрашувларга турли санъаткору адибларнинг ҳам таклиф этилиши ҳар биримизнинг маънавий-маърифий билимларини янада юксалтиради.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

ТИФ Миллий банки: тадбиркорлар билан мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун жалб қилинаётган хорижий кредит линиялари тақдимида бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги «Lotte City Hotel Tashkent Palace» меҳмонхонасида бўлиб ўтган учрашувга Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва савдо ваколатхонаси ҳамда Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлик қилди.

Тадбирда кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорлар билан ўз-ўз мулоқот ўрнатган ҳолда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсади илгари сурилган бўлиб, унда маҳаллий ишбилармонларга ТИФ Миллий банки томонидан тақдим этилаётган чет эл кредит линиялари, уларнинг шарт-шароитлари ҳамда имтиёзлар хусусида тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, давра суҳбатида бизнес юритишда мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик соҳаси ва банк тизими ўртасидаги муаммо ва камчиликлар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди.

Маълумот. ТИФ Миллий банки Россиянинг «Газпромбанк» ва «Внешэкономбанк»ларидан умумий суммаси 1 млрд. АҚШ доллариغا тенг иккита кредит линиясини жалб қилган. «Газпромбанк»нинг 500 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредит линияси «саноатнинг текстиль ва бошқа соҳаларидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш» мақсадида 7 йилга ажратилган. Ҳажми шундай яна бир кредит линияси «Внешэкономбанк» томонидан 15 йил мuddатга «инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш» мақсадида тақдим этилмоқда. Бу борада дастлабки траншлар текстиль ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этишга йўналтирилган.

Шунингдек, ТИФ Миллий банки ҳамда Хитой Саноат ва тижорат банки (СТБ) ўртасида ҳам битим имзоланган. Бунда СТБ Ўзбекистоннинг барча ҳудудда кичик бизнес субъектларининг инвестиция ва инновацион лойиҳаларини молиялаштириши ушбу банк орқали амалга оширишни кўзда тутмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида давлатимиз раҳбарининг Туркия Республикасига амалга оширган ташири доирасида эса, ТИФ Миллий банки Туркия Эксимбанки билан ҳамкорлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Мазкур учрашувдаги Келишув ҳужжатида Миллий банк орқали Туркия товар ва хизматларини экспорт қилиш бўйича ҳажми 350 млн. АҚШ доллари-га тенг молиялаштиришни очиб мўлжалланган.

ТИФ Миллий банкнинг «Commerzbank AG» (Германия) билан 2015 йилда тузган қарз битимида (умумий миқдори 250 млн. евро) ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳага оид лойиҳаларни экспорт-кредит агентликларининг сугурта қопламаси остида бажариши келишиб олинган.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил сентябрь ойида олий ўқув юртларида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Ўқув курслари ўтказилиш мuddати			
		4 сентябрдан 9 сентябргача	11 сентябрдан 16 сентябргача	18 сентябрдан 23 сентябргача	25 сентябрдан 30 сентябргача
1	Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит		ТМИ		
2	Молия ва кредит таҳлили			ТМИ	
3	Тижорат банкларида активлар ва пасивлар бошқаруви				ТМИ
4	Тижорат банклари бўлинма ва филиаллари бошқарувчилари учун шарҳлаш курси		БМА		
5	Тижорат банклари бўлинма ва филиаллари бош бухгалтерлари учун шарҳлаш курси: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгилликлар ва амалиёт			БМА	
6	Тижорат банкларида янги банк хизматлари тури ва улар сифатини ошириш йўллари	БМА			
7	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз амалиётлар доирасини кенгайтириш ва сифатини ошириш			БМА	
8	Кадрлар бошқаруви				ХМИРМ-ў
9	Банк ишининг халқаро стандартлари				ТСМРИ

Кредитлардан мақсад – аҳолини тадбиркорликка жалб этиш

Наманган асосан ипак, пахтани қайта ишлаш ва тўқимачиликка ихтисослашган ҳудуд саналади. Шу боис ушбу вилоятда фаолият юритувчи тижорат банкларининг филиаллари айнан ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Наманган вилоят Бош бошқармаси бошлиғи Илёсжон Жўраев билан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижросида ҳудуд банкларининг иш-тироқи хусусида суҳбатлашдик.

– Тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш саналади.

Тижорат банкларининг филиаллари томонидан миқозлар билан ишлашга доир махсус стратегия ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур стратегия биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилмоқда, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиб, аҳолига янги иш ўринлари яратилмоқда.

2017 йилнинг биринчи ярмида «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси доирасида Наманган вилоятидаги тижорат банклар томонидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Имтиёзли шартларда кредит ажратиши банк филиаллари миқозларига қулайлик туғдирилмоқда. Бундай кредитлар бизнесни ташкил этишда бошланғич сармояни шакллантиришга ёки мавжуд кичик корхоналар фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Хусусан, 2017 йил биринчи ярми давомида Наманган вилоятидаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 452,0 млрд. сўмга етди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баравар кўпдир. Ушбу маблағларнинг 57,0 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервисни ри-

вожлантиришга йўналтирилган бўлса, 14,0 млрд. сўми оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни, 37,9 млрд. сўми тадбиркор аёллар фаолиятини, 12,1 млрд. сўми ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари фаолиятини ривожлантиришга сафарбар этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга оид топшириғига асосан Наманган вилоятидаги тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитларни ажратиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 21 704 нафар жисмоний шахсга турли йўналишлар (чорвачилик, паррандачилик, иссиқхоналарни ташкил этиш ва ҳоказолар) доирасида умумий миқдори 149,8 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилган. Кам таъминланган оилаларга умумий миқдори 17,7 млрд. сўмлик микрокредитлар йўналтирилган. Натижада вилоятда 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Биринчи ярим йиллик давомида жисмоний ва юридик шахслардан 445 та муурожаат келиб тушган. Ушбу муурожаатларнинг 419 таси жисмоний шахслардан бўлса, 26 таси юридик шахслардандир. Келиб тушган муурожаатларнинг асосий қисми валюта масалалари, истеъмолчилик, ипотека кредитлари ва оилавий тадбиркорлик масалаларига тегишли.

Бундан ташқари, Марказий банкининг Бош бошқармаси раҳбарияти иш-тироқида маҳаллалар ва қишлоқларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва замонавий банк хизматларини ташкил этиш мавзусида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Ҳамдам АМИНОВ.

Туризмни ривожлантиришда банклар роли оширилди

2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг ижросида тижорат банклари фаол иштирок этади.

Мамлакатимизда ноёб маданий ва меъморий мерос объектлари кўп бўлган ҳудудлар талайгина. Улар орасида кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бир неча юз йилдири, Шарқ дурдонаси сифатида бутун дунё сайёҳлари эътибори ва ҳайратидадир.

Юртимизнинг ушбу ҳудудидаги тарихий обидалар ва маънавий манбалар билан туристларни кенг таништириш, замонавий талабларга мувофиқ кўрсатиладиган туризм, меҳмонхона ва транспорт хизматлари турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида жорий йил 30 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган дастурда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини ошириш юзасидан аниқ вазифалар қамраб олинган.

Хусусан, «Samarkand city» туризм зонасини барпо этиш режалаштирилиб, лойиҳани амалга оширишда молиялаштирувчи, шунингдек инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри сармоя киритиш шаклида биргаликда молиялаштирувчи бош ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки белгиланди. Қарорда қайд этилишича, ушбу зонада замонавий меҳмонхоналар, коттеж-

лар, маданий-соғломлаштириш ва кўнгилочар-савдо масканлари бунёд қилинади.

Қарор билан қатор мутасадди ташкилотларнинг Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали ҳудудида ташриф буюрувчи қўллаб-меҳмонлар ва туристларнинг, шунингдек, мазкур ҳудуд аҳолисининг оилавий ҳордиқ чиқариши учун йил давомида ўқув-машғуллот йиғинларини ўтказиш имконини берувчи замонавий спорт зал, спорт майдончалари, усти очиқ ва ёпиқ бассейнлар, оилалар учун меҳмонхона мажмуалари ва коттежлар, сув аттракционларини ўз ичига олган ҳордиқ чиқариш инфратузилмасининг бошқа объектларидан ташкил толган спорт-соғломлаштириш ва туристик-рекреацион мажмуасини барпо этиш тўғрисидаги таклифлари тасдиқланди. Мазкур мақсад ва вазифаларни ўз ичига олган лойиҳа – «Эшак эшиш канали ҳудудида спорт-соғломлаштириш ва туристик-рекреацион ҳудудни барпо этиш»ни кредит асосида молиялаштириш, шунингдек инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар билан биргаликда тўғридан-тўғри инвестициялар тарзида биргаликда молиялаштириш «Ўзсанотқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки зиммасига топширилди.

Ушбу Қарорда яна қатор чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш натижасида 2017-2021 йиллар мобайнида туризм хизматлари экспорти ҳажми 2,2 бараварга, туристлар сони эса 2 бараварга ошиши кўзда тутилмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шунингдек, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланишнинг янада кенгайтирилиши барпо этилаётган уйлارнинг таннархи пасайишига ва аҳолининг барча қатламлари учун мақбул нархлар белгилашишига хизмат қилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан ўтказилган тадбир айнан «Мустақиллик обидалари: намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш борасида эришилган натижалар, тажриба, амалиёт ва муаммолар» мавзусига бағишланди. Унда банк ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

2016 йил 24 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Ариза берувчи уй қурувчининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиялари асосида 2017-

2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, Дастур доирасида қишлоқ жойларда ҳовлидаги иморатлар ва обод ҳовлилар билан биргаликда икки, уч қаватли кўп квартиралли (2-3 хонали) уйлар ва 0,02 га ўлчамли ер участкаларида аҳоли зич туманларда жойлашган ҳовлида иморатлари бўлган бир қаватли 2 ва 3 хонали уйлар арзон уй-жойлар тоифасига киритилди. Бу аҳоли учун анча қулай эканлиги ўз исботини топмоқда.

– Албатта, бу қурилишларнинг барчаси маблағга бориб тақалади. Шунинг учун «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш» дастурини молиялаштиришга фақат 2017 йилнинг ўзида 2 трлн.

Талабга мос уй-жойлар



121,5 млрд. сўм йўналтирилади, шу жумладан, уй қурувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 478,9 млрд. сўм, давлат бюджети, шунингдек, тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 1 642,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган, – дейди банкнинг Қишлоқ қурилишнинг кредитлаш департаменти бошқарма бошлиғи Дилшод Ҳасанов.

Маълумотларга кўра, 2017 йил Дастурга асосан қурилаётган уй-жойларнинг умумий қиймати 2121,5 млрд. сўмлик, шундан 478,9 млрд. сўми аҳоли маблағлари ва 1642,6 млрд. сўми банкларнинг имтиёзли ипотека кредитлари бўлган 15 000 та уй-жойларни молиялаштириш 6 та тижорат банклари ўртасида тақсимланиб, ушбу тақсимотга кўра иштирокчи банклар то-

монидан уй-жойлар қурилиши молиялаштирилмоқда. Шунингдек, 2017 йил Дастурга мувофиқ, қурилиши режалаштирилган 15 000 та уй-жойдан 6 985 таси «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан молиялаштирилиши белгиланган бўлиб, унинг умумий қиймати 1 040,4 млрд. сўмни ташкил этади. Шундан 244,7 млрд. сўми аҳоли маблағлари ва 795,6 млрд. сўми имтиёзли ипотека кредити маблағлари ҳиссасига тўғри келади.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури ижросида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ иштирокига доир масалалар, хусусан, қишлоқ қурилиши-ни кредитлаш йўналишида банк томонидан ажратилган ипотека кредитларини расмийлаштириш тартиби бўйича зарур маълумотлар берилди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

Товар-хомашё биржаси (ички бозорда) котировкаси, 2017 йилнинг 7 августидан 11 августигача бўлган муддатда

Маҳсулотлар номи	Жорий котировка (тн учун сўмда)	Нархлардаги ўзгариш		
		динамикаси	(сўмда)	(фоизда)
Автобензин А-80	4 307 895	▲	19 933,80	0,5
Автобензин А-91	5 606 409	▲	1 050 859,20	23,1
Автобензин А-98	5 035 000	ўзгаришсиз	0	0
Азотли-олтингурут ўғитлари (қопда)	706 620	ўзгаришсиз	0	0
Азотли-фосфор ўғитлари (қопда)	998 005	ўзгаришсиз	0	0
Аммиакли кальций селитра (қопда)	791 924	▼	-508,2	-0,1
Аммофос 46:10 (уюм ҳолатида)	1 535 919	ўзгаришсиз	0	0
Арматура 25 ст 35 ГС	5 407 967	ўзгаришсиз	0	0
Қурилиш битуми БН 90/10	4 485 073	ўзгаришсиз	0	0
Дизель ёқилғиси	5 891 703	▲	59 606,90	1,0
Қурилиш оҳаги 1-нав (уюм ҳолатида)	273 000	ўзгаришсиз	0	0
Хлорли калий (қопда)	708 360	ўзгаришсиз	0	0
Карбамид (қопда)	686 730	ўзгаришсиз	0	0
Квадрат 16 ст 3 СП	5 410 817	ўзгаришсиз	0	0
Техник керосин	5 841 212	ўзгаришсиз	0	0
Сопол фишт К-0 75 15, 250x120x65мм (дона)	430	ўзгаришсиз	0	0
Истеъмол сирка кислотаси 70%	3 102 255	▼	-253	0
Майдаланмаган ем	2 710 000	ўзгаришсиз	0	0
Круг 100 ст 3 СП	3 738 050	ўзгаришсиз	0	0
Линт 1-нав Б типдаги (олий тоифа)	2 702 961	▼	-119 430,50	-4,2
Линт 2-нав Б типдаги (олий тоифа)	2 479 999	▼	-100 000,00	-3,9
Лист х.к 1,0x1250x2500мм	7 300 000	ўзгаришсиз	0	0
ПЭТ мойи 1 л	5 209 970	▼	-315 585,80	-5,7
Саноат мойи И-50А (литр)	7 525	▲	125	1,7
Мотор мойи Shell Helix HX 7 10W40 (дона)	197 000	ўзгаришсиз	0	0
ПЭТдаги кунгабоқар ёғи 0,935 гр (литр)	10 500	ўзгаришсиз	0	0
Рулонли том гидроизоляция материалы (дона)	140 000	ўзгаришсиз	0	0
Мис катанкаси	48 897 982	▲	143 773,80	0,3
Бугдой уни 1-нав	884 084	▼	-2 365,10	-0,3
Бугдой уни олий нав	1 279 499	▼	-17 322,70	-1,3
Хўжалик совуни 70 фоиз (дона)	2 087	▲	310,4	17,5
Икки оксидли натрий – истеъмол содаси 1-нав (қопда)	2 899 265	▲	19 505,40	0,7
Нефтли парафин	6 500 000	▲	1 252 472,00	23,9
Полипропилен FC-550 (SA) (АҚШ доллари)	1 025	ўзгаришсиз	0	0
Полиэтилен F-0120	10 582 691	ўзгаришсиз	0	0
Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда)	434 497	▲	5 270,00	1,2
Сим 10 ст 45	5 755 999	ўзгаришсиз	0	0
Озуқабоп бугдой 3-синф	886 410	▲	6 268,10	0,7
Озуқабоп бугдой 4-синф	794 533	▼	-246,7	-0,03
Озуқабоп бугдой 5-синф	743 215	▼	-1 416,80	-0,2
Шакар	4 319 910	ўзгаришсиз	0	0
Суюлтирилган газ	1 768 565	▼	-240 376,20	-12,0
Кальцийли сода (қопда)	968 449	▲	4 089,80	0,4
Алюмин қотишмаси АК7	12 815 365	ўзгаришсиз	0	0
Пўлат лист г.к 6x1500x6000	7 050 000	▼	-319 091,00	-4,3
Ойна листи М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	36 611	▲	4 070,00	12,5
Аммоний сульфати (уюм ҳолатида)	406 518	▲	1 719,20	0,4
Калий сульфати (уюм ҳолатида)	5 673 000	ўзгаришсиз	0	0
Суперфосфат (уюм ҳолатида)	447 866	ўзгаришсиз	0	0
Қувур 20x2,8 (метр)	11 787	ўзгаришсиз	0	0
Пўлат қувур 114x3,5 ст3 (метр)	64 408	ўзгаришсиз	0	0
Угольник 30 ст 3 СП	5 055 200	ўзгаришсиз	0	0
Кўмир 2 БОМСШ-Б2 0-50	189 304	ўзгаришсиз	0	0
Швеллер 16	7 800 000	▲	131 818,00	1,7
Пахта чигити шелухаси	496 005	▲	7 127,10	1,5
Шифер 8-тўлқинли	30 515	▲	1 537,20	5,3
Кунгабоқар шроти	1 000 000	ўзгаришсиз	0	0
Соя шроти	5 800 000	ўзгаришсиз	0	0
Пахта чигити шроти	980 770	▲	14 557,10	1,5
Арпа	608 537	▼	-111 463,20	-15,5

* Маҳсулотлар котировкаси охириги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилган. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларида қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.

Биржа инфратузилмаси ривожини

бизнес вакилларига қўллаб қўлайликлар яратмоқда

Мамлакатимизда турли бозор инфратузилмалари, шу жумладан, биржа тизимини янада ривожлантириш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим унсурларидан биридир. Бу борада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида ҳам хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилган ҳолда, биржа савдо технологиялари ва қоидалари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Брокерлик идоралари ва савдо майдончаларининг тармоғи яратилди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси томонидан «Мустақиллик йилларида товар-хомашё биржаси: кеча, бугун ва эртага» мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида айтиш мумкин ҳусусида сўз борди.

Тадбирни ЎзРТХБнинг Савдоларни ташкил этиш бўйича директори Азиз Абдуганиев олиб борар экан, 2004 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарор асосида республикамизда бир мажбууд бўлган товар-хомашё ресурсларининг лимит-фонд тақсими бекор қилиниб, биржа товарлари сотиши шакллантирилганини қайд этиб ўтди. Мазкур механизм товар сегментида бозор нархларининг шаклланишини қўллаб-қувватлаб, савдо операцияларининг очиқ-ойдинлигини таъминлади ва кичик бизнес ривожига туртки берди.

– **Электрон биржа савдоларининг қўлланилиши** ЎзРТХБнинг МДХ мамлакатлари орасида етакчи товар биржаларидан бири сифатида эътироф этилишига хизмат қилмоқда, – дейди **ЎзРТХБнинг Бош маклери Исломбек Ибрагимов**. – Бизнес вакилларининг ЎзРТХБ электрон савдоларида иштирок этиш динамикаси тобора юксалиб бормоқда. Хусусан, 2004-2016 йиллар мобайнида биржада улар иштирокида тузилган битимларнинг сўмгача ўсди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса ушбу кўрсаткич 4,7 трлн. сўмга етди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 15 фоизни

ташкил этди. Тадбиркорларнинг маҳсулотларини биржа орқали сотиш ҳажми 16 фоизга ўсди.

Ҳозир биржада 800 та брокерлик идоралари ва уларнинг таркибида 2 мингга яқин трейдерлар аккредитациядан ўтказилган. Марказий офис ва 13 та ҳудудий филиаллардан ташқари, республикамизнинг деярли барча туманларида 215 та савдо майдончалари самарали фаолият юритмоқда.

– **Биржада ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ҲКП) орқали йиллар давомида қўлланилаётган кафолатлаш механизми** ЎзРТХБда шартнома интизомини сезиларли даражада мустаҳкамлади, – дейди **ЎзРТХБнинг Ҳисоб-китоб клиринг палатаси Бош мутахассиси Жалолиддин Қўшназаров**. – Бугунги кунда биржа шартномалари доирасида бўлган мажбуриятларнинг бажарилиши 97 фоиздан юқори. Шунингдек, биржа мижозларига шахсий кабинет орқали ҲКПда очилган ҳисобварақ ҳолатини текшириш, амалга оширилган транзакцияларни кузатиш ва пул маблағларини қайтариш каби қўлайликлар тақдим этилган.

Жорий йилда инновацион янгилик сифатида онлайн режимида ЎзРТХБнинг барча савдо платформаларида бир жойнинг ўзида аккредитациядан ўтиш имконини берувчи «Бир ойна» интерактив хизмати жорий этилди. Масофадан туриб ягона рўйхатдан ўтиш учун мижоз шахсий кабинетда ўз профилини электрон рақамли имзо (ЭРИ) орқали фоллаштиради ва керакли ҳужжатларнинг электрон шаклини биржага юборди. Мазкур сервис мижозларнинг вақтларини тежашга ва уларнинг молиявий харажатларини камайитиришга ёрдам берди.

Жорий йилда «Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖга 180 9001:2015 халқаро сертификати топширилди. Мазкур мувофиқлик сертификати акциядорлик жамиятини биржа савдолари ва электрон тижоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш соҳасида халқаро сифат талабларига мослигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, биржада асосий бизнес жараёнларни режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил этишни автоматлаштириш учун корхона бошқарувининг ERP тизими татбиқ этилди.

Бекзод АҚРОМОВ.

РФБ нархлари индекси

Сана	Нарх	Ўзгариш	ҚҚ сони, (бирликда)	Савдолар ҳажми, (сўмда)
УСИ				
14.08.2017	1 002,77	0	25 484	25 738 840
11.08.2017	1 002,77	0	1 509 435	1 596 795 000
10.08.2017	1 002,77	0	83 286	3 640 560
09.08.2017	1 002,77	▲ 2,22	24 474	881 064 000
08.08.2017	1 000,55	0	2 800	2 828 000
07.08.2017	1 000,55	0	0	0
04.08.2017	1 000,55	0	890	1 602 000
03.08.2017	1 000,55	▲ 1,45	189 034	3 877 480
02.08.2017	999,1	0	0	0
01.08.2017	999,1	0	450	1 834 200
Молия сектори				
14.08.2017	977,78	0	0	0
11.08.2017	977,78	0	1 506 405	1 506 405 000
10.08.2017	977,78	0	0	0
09.08.2017	977,78	0	0	0
08.08.2017	977,78	0	0	0
07.08.2017	977,78	0	0	0
04.08.2017	977,78	0	890	1 602 000
03.08.2017	977,78	0	0	0
02.08.2017	977,78	0	0	0
01.08.2017	977,78	0	0	0
Саноат				
14.08.2017	1 034,40	0	0	0
11.08.2017	1 034,40	0	30	390 000
10.08.2017	1 034,40	0	79 800	119 700
09.08.2017	1 034,40	0	0	0
08.08.2017	1 034,40	0	0	0
07.08.2017	1 034,40	0	0	0
04.08.2017	1 034,40	0	0	0
03.08.2017	1 034,40	▲ 5,47	186 440	1 257 540
02.08.2017	1 028,93	0	0	0
01.08.2017	1 028,93	0	450	1 834 200
Агросаноат мажмуаси				
14.08.2017	1 373,49	0	0	0
11.08.2017	1 373,49	0	0	0
10.08.2017	1 373,49	0	0	0
09.08.2017	1 373,49	▲ 81,96	24 474	881 064 000
08.08.2017	1 291,53	0	0	0
07.08.2017	1 291,53	0	0	0
04.08.2017	1 291,53	0	0	0
03.08.2017	1 291,53	0	0	0
02.08.2017	1 291,53	0	0	0
01.08.2017	1 291,53	0	0	0
Ижтимоий соҳа				
14.08.2017	1 062,10	0	25 484	25 738 840
11.08.2017	1 062,10	0	0	0
10.08.2017	1 062,10	0	3 486	3 520 860
09.08.2017	1 062,10	0	0	0
08.08.2017	1 062,10	0	2 800	2 828 000
07.08.2017	1 062,10	0	0	0
04.08.2017	1 062,10	0	0	0
03.08.2017	1 062,10	0	2 594	2 619 940
02.08.2017	1 062,10	0	0	0
01.08.2017	1 062,10	0	0	0
Савдо				
14.08.2017	2 657,68	0	0	0
11.08.2017	2 657,68	0	0	0
10.08.2017	2 657,68	0	0	0
09.08.2017	2 657,68	0	0	0
08.08.2017	2 657,68	0	0	0
07.08.2017	2 657,68	0	0	0
04.08.2017	2 657,68	0	0	0
03.08.2017	2 657,68	0	0	0
02.08.2017	2 657,68	0	0	0
01.08.2017	2 657,68	0	0	0

РФБ савдолари якуни

Сана	Эмитент	Майдон	Савдо нархи	ҚҚ сони	Савдолар ҳажми, (сўмда)
08.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
08.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
08.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
08.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
08.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
08.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	300	303 000
09.08.2017	«Гулистон Экстракт-Еф» АЖ	G1	36 000	14 374	517 464 000
09.08.2017	«Гулистон Экстракт-Еф» АЖ	G1	36 000	10 100	363 600 000
10.08.2017	«Кўқонспирт» АЖ	G1	1,5	79 800	119 700
10.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	486	490 860
10.08.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	3 000	3 030 000
11.08.2017	«Туркистон» ХАТБ	G1	1 000	455 281	455 281 000
11.08.2017	«Туркистон» ХАТБ	G1	1 000	1 051 124	1 051 124 000
11.08.2017	«Олчазор азия» АЖ	G1	30 000	3 000	90 000 000
11.08.2017	«Электришлоққурилиш» АЖ	NC	13 000	30	390 000
14.07.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	11 028	11 138 280
14.07.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	10 000	10 100 000
14.07.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	2 000	2 020 000
14.07.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	1 456	1 470 560
14.07.2017	«Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ	G1	1 010	1 000	1 010 000
14.07.2017	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	G1	20	13 135	262 700

САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги, 30 кун давомида

№ БИ	Эмитент	Савдолар ҳажми (UZS):
№ БИ :00454	«Portfolio Investments» МЧЖ	2 251 579 163,57
№ БИ :00443	«Kapital-Depozit» МЧЖ	1 598 125 000
№ БИ :00439	«ТашИнвестКом» ХК	883 636 972
№ БИ :00455	«Universal Depozit» МЧЖ	714 368 700
№ БИ :00444	«Ishonch LTD» МЧЖ	157 088 500
№ БИ :00472	«NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ	135 041 000
№ БИ :00446	«OSIYO SARMOYA DEPO» МЧЖ	100 000 000
№ БИ :00447	«Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI» АЖ	7 466 302,07
№ БИ :00445	«Qoraqalpog'iston VAKT» МЧЖ	4 001 400
№ БИ :00469	«ANDIJONVAQT» МЧЖ	2 812 440

БИТИМЛАР Сони БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги, 30 кун давомида

№ БИ	Эмитент	Битимлар сони (бир.)
№ БИ :00444	«Ishonch LTD» МЧЖ	146
№ БИ :00454	«Portfolio Investments» МЧЖ	75
№ БИ :00447	«Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI» АЖ	24
№ БИ :00439	«ТашИнвестКом» ХК	8
№ БИ :00443	«Kapital-Depozit» МЧЖ	5
№ БИ :00472	«NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ	5
№ БИ :00455	«Universal Depozit» МЧЖ	3
№ БИ :00469	«ANDIJONVAQT» МЧЖ	3
№ БИ :00442	«HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ	1
№ БИ :00445	«Qoraqalpog'iston VAKT» МЧЖ	1

БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги, 30 кун давомида

Эмитент	Номинал қиймати, (сўмда)	Савдолар ҳажми (UZS)
«Turkiston» ХАТБ	1 000	1 597 335 000
«Guliston Ekstrakt-Yog'» AJ	1 999	881 064 000
«Qo'qon yog'-moy» AJ	3 970	683 788 200
«Yangiyo'l yog'-moy» AJ	279,91	307 678 200
«Olchazor aziya» AJ	5 000	147 000 000
AITB «Ipak Yo'li»	10	100 000 000
«Marg'ilon Fayz savdo kompleksi» AJ	1 000	77 744 750
«Granit» AJ	2 178,57	20 150 000
«Kapitalbank» ATB	950	15 290 250
«Granit» AJ	2 178,57	12 610 000

БИТИМЛАР Сони БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги, 30 кун давомида

Эмитент	Номинал қиймати, (сўмда)	Битимлар сони (бир.)
«Marg'ilon Fayz savdo kompleksi» AJ	1 000	70
«Olmaliq KMK» AJ	3 914	17
«Granit» AJ	2 178,57	13
«Granit» AJ	2 178,57	9
«O'zsanootqurilishbank» ATB	19	3
«Andijon biokimyo zavodi» AJ	4 076	3
«Alskom» SK AJ	1 380	3
«Olchazor aziya» AJ	5 000	3
«Turkiston» ХАТБ	1 000	3
«Elektrqishloqqurilish» AJ	5 000	2



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Давлат бошқаруви академиясида кимлар ўқитилади?

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилди. 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3177-сонли Қарор билан мазкур муассасага қабул қилиш тартиби ва квоталари тасдиқланди. Ҳужжатлар давлат раҳбарининг сайтида эълон қилинган.

Фармонда Академиянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди, унинг ташкилий тузилмаси ва Устави тасдиқланди. Бундан ташқари, ҳужжат муассасада таълим жараёнини амалга ошириш шартларини белгилайди (қуйидаги жадвалга қаранг).

Таълим жараёнининг йўналишлари	Шартлар
Бошқарув кадрларини тайёрлаш	грант ва тўлов-контракт асосида 2 йиллик магистратура таълим дастури бўйича давлат намунасидаги дипломини бериш билан
Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш	грант ва тўлов-контракт асосида 1 йилгача бўлган муддатда дастурлар бўйича, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда белгиланган намунадаги дипломини бериш билан
Бошқарув кадрлари малакасини ошириш	грант ва тўлов-контракт асосида қисқа муддатли дастурлар асосида 1 ойгача бўлган муддатда 3 йилда 1 мартаба, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда белгиланган намунадаги сертификатни бериш билан

Ким қандай қабул қилинади
Академиянинг магистратурасига танлов бўйича давлат ҳокимияти, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тавсия этилган шахслар қабул қилинади.

Номзод 40 ёшдан ошмаган бўлиши, базавий олий маълумотга ва камида 2 йил бошқарув иш тажрибасига эга бўлиши даркор. Бундан жойларда номзодларни дастлабки саралаш ташкил этилади, кейинчалик эса Академияда тест ва суҳбат ўтказилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийтган тингловчиларнинг бу-

тун ўқиш даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгалланган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

Шунингдек, Академия магистратураси тингловчилари ўқиш даври мобайнида ўзларининг доимий яшаш жойларидаги ҳудуддан ташқарида жойлашган маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг таркибий бўлинуларида ҳамда давлат ташкилотлари ва ННПларда малакавий амалиёт ва стажировка ўташлари керак. Бундай амалиёт ва стажировканин мuddати 1 йилга қадар бўлиши мумкин.

Таълим – хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда

Академияда ўқув жараёни халқаро таълим стандартларини ва бошқарув кадрларини ўқитишнинг замонавий усулларини жорий этиш орқали ташкил этилади, унда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилади:

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида замонавий таълим технологиялари ва шаклларидан фойдаланиш, жумладан, Академия ўқитувчилар таркибининг худудларга чиқиши;

- мунтазам равишда интерфаол машғулотлар, давлат ва жамият бошқарувининг таниқли арбоблари, вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларини жалб этган ҳолда «давра суҳбатлари» ўтказиш;

- мутахассислик фанлари билан бир қаторда тингловчилар томонидан Ўзбекистон тарихи ва миллий қадриятлари, ватанимиз шоир ва ёзувчилари ижоди, чет тили ва АКТ чуқур ўрганилишини ташкил этиш;

- магистратура тингловчиларини етакчи хорижий илмий-таълим муассасалари ва бошқарув кадрларини тайёрлаш марказларига, шунингдек, хорижий давлатларнинг давлат ҳокимияти, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларига 1 ойгача бўлган муддатга мажбурий йўналтириш.

Академия шартнома асосида мамлакатимиз, шу жумладан, хорижий етакчи олий таълим муассасалари, илмий муассасалар, тадқиқот марказларининг юқори малакали мутахассислари ва экспертларини жалб этади.

Келаётган ўқув йилида 60 нафар тингловчи қабул қилинади

Қарорга биноан 2017/2018 ўқув йилида Академияга қабул қилиш квота-

си 60 нафарни ташкил этади, шулардан:

- давлат грантлари бўйича – 24 нафар, улар фақат давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва давлат ташкилотлари ходимлари жумласидан қабул қилинади;

- тўлов-контракт асосида – 36 нафар. Ўқишни муваффақиятли якунлаганларга 20 фоиз устима тўланади, муваффақиятсиз якунлаганлар – харажатларнинг ярмини тўлайди.

Магистратурада ўқишни муваффақиятли якунлаб, давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви органларида, давлат ташкилотлари ва ННПларида раҳбарлик лавозимларида ишлаётганларга 5 йил мобайнида ҳар ойда лавозим маошининг 20 фоизигача устима тўланади (кўзда тутилган бошқа устамалар ва кўшимча тўловлардан қатъи назар). Бунда Академия магистратурасини якунлаган шахсларни тегишли лавозимлар ва иш жойларига тақсимлаш Президент томонидан тасдиқланади.

Магистрлик дастурини бажармаган тингловчилар улар ўқиш даври мобайнида асосий иш жойи бўйича олган барча тўловларнинг 50 фоизини қоплашлари шарт.

Махсус жамғарма

Академияда бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни уларга меҳнат ҳақи ўтлаш фондининг 50 фоизигача бўлган миқдорда рағбатлантириш учун Махсус жамғарма ташкил этилмоқда.

Махсус жамғарманин маблағлари Академия ректорининг қарорига биноан кўрсатилган штат ходимлари тариф ставкасининг 100 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойда устамалар тўлашга йўналтирилади.

Қишлоқ ҳўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан махсус марказ шуғулланади

Президентимиз 2017 йил 4 августда ПФ-5134-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини имзолади. Ҳужжат давлатимиз раҳбари сайтида жойлаштирилган.

- белгиланган тартибда ўз вақтида тендер (танлов) савдолари ўтказилишини, контрактлар тузилишини, уларнинг ваколатли органларда экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

- миллий қонунчилик, халқаро қоидалар ва тегишли халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукумати молия ташкилотларининг тартиб-таомилларига мувофиқ тузилган контрактлар бўйича асбоб-ускуналар, материаллар етказиб берилиши, ишлар ва хизматлар бажарилиши мониторингини юритиш.

Учинчидан, Қуйи Сирдарё, Қуйи Амударё ва Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари негизда Қуйи Сирдарё, Сирдарё-Зарафшон, Қуйи Амударё, Амударё сўл соҳили, Зарафшон ва Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқар-

малари барпо этилмоқда.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қошида туманлар ирригация бўлимлари ташкил этилаётди. Уларга туманлар аҳамиятидаги ирригация объектларининг бир қисми ирригация тизимлари бошқармаларининг тегишли штат бирликлари билан бирга ўтади.

Тўртинчидан, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинулари ва тизим органлари ўртасида бошқарув, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимларни қайта тақсимлаш амалга оширилди.

Бешинчидан, лавозимни эгаллашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилди:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари бир вақтда Қорақалпоғистон

қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири ҳисобланади;

- вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўйича ўринбосарлари – вилоятлар қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиқлари;

- туманлар (Қувасой ш.) қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимлари бошлиқлари – туманлар (Қувасой ш.) ҳокимлари ўринбосарлари;

- Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи – Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири ўринбосари;

- ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиқлари – вилоятлар қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари бошлиқлари;

- ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қошидаги бўлимлар бошлиқлари – туманлар қишлоқ ва сув ҳўжа-

лиги бўлимлари бошлиқлари ҳисобланади.

Олтинчидан, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Ижтимоий ривожлантириш ва рағбатлантириш жамғармаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Моддий-техника базасини ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий қилиш ва ходимларни рағбатлантириш жамғармасига айлантирилди.

Жамғарма маблағларининг шаклланиш манбалари:

- вазирлик таркибига кирадиган ташкилотларнинг шартнома асосида ажратмалари;

- фермер ҳўжаликлари ва бошқа ташкилотларнинг уларга қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида илм-фан, техника ва илмий асосланган ресурс тежайдиган технологияларни тарғиб қилиш ва жорий этиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ихтиёрий ажратмалари;

- жамсоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

- халқаро грантлар, техник кўмаклашиш воситалари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ҳужжат билан Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг янгиланган вазифалари ва ишининг асосий йўналишлари белгиланди. Бундан ташқари, вазирлик тизимида қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

Биринчидан, аввал Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида ташкил этилган қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари муаммоларини ҳал қилиш бўйича кенгашлар тугатилди.

Иккинчидан, вазирлик ҳузурда Қишлоқ ва сув ҳўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ташкил этилди. У қарз битимлари ва Президентнинг тегишли қарорлари билан назарда тутилган ходимлар сонини ҳисобга олган ҳолда тегишли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича гуруҳлар негизда ташкил этилади.

Унинг вазифалари:

- чет эл инвестициялари, имтиёзли кредитлар ва техник кўмаклашиш воситаларини жалб этишда иштирок этиш, лойиҳа бошқаруви тамойилларига мувофиқ инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишни таъминлаш;

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Медиа-тур иштирокчилари мазкур sanoat корхоналарида Жаҳон банки Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Ўзбекистон тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар асосида энергияни тежаш йўли билан ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ички ва ташқи бозорда маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини юксалтириш борасида амалга оширилган лойиҳалар билан танишди.

«Шўртаннефтгаз» масъулияти чекланган жамияти «Ўзнефтгазгазчиқариш» акциядорлик компаниясининг бўлинмаси ҳисобланади. Корхона 1985 йилда ишга туширилган ва Шўртан конлар гуруҳи газига ишлов беришга мўлжалланган. Кам олтин-гургуртли газни қайта ишлаш бўйича умумий йиллик қуввати 20 млрд. куб метрни ташкил қилади. Суюлтирилган газ олиш имконини берадиган конденсатни барқарорлаштириш қурилмаси 1986 йилда ишга туширилган. Ушбу қурилма йилига 185 минг тонна конденсат ва 5 600 тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 июндаги «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳасини амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ижроси доирасида «Шўртаннефтгаз»

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Жаҳон банки гуруҳи ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятидаги «Шўртаннефтгаз» ва «Муборакнефтгаз» масъулияти чекланган жамиятларига медиа-тур ташкил этилди.

МЧЖда «Янги Қоратепа, Ширкент, Тўртсари ва «Шўртан» СКСдаги паст босимли машъала газларидан фойдаланиб электр энергия ишлаб чиқариш» лойиҳаси амалга оширилди.

Хусусан, «Шўртан» сиқув компрессор станцияси 2003 йилда Исроилнинг «Bateman» компанияси лойиҳаси асосида 1985 йилда ишга туширилган ва Шўртан конлар гуруҳи газига ишлов беришга мўлжалланган. Кам олтин-гургуртли газни қайта ишлаш бўйича умумий йиллик қуввати 20 млрд. куб метрни ташкил қилади. Суюлтирилган газ олиш имконини берадиган конденсатни барқарорлаштириш қурилмаси 1986 йилда ишга туширилган. Ушбу қурилма йилига 185 минг тонна конденсат ва 5 600 тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қувватига эга.

– Мазкур компрессор станциясида узатилаётган табиий газ ҳароратини совутиш технологик жараёнида ҳаво ёрдамида совутиш қурилмалари, яъни АВО аппаратлари ўрнатилган, – дейди «Шўртаннефтгаз» МЧЖ электр таъминот тармоғи бошлиғи Ҳамид Абдуразоқов. – Мазкур аппаратларнинг электр двигателлари доимий ишлаб туради. Соатига 1 950 кВт электр энергия сарфлайди. Ушбу сарфланадиган электр энергияси сарфини камайтириш мақсадида жорий йилда «Янги Қоратепа, Ширкент, Тўртсари ва «Шўртан» СКСдаги паст босимли машъала газларидан фойдаланиб электр энергия ишлаб чиқариш» лойиҳаси



асосида станциямизга соати-га 2 минг кВт электр энергия ишлаб чиқарадиган С-1000 газ турбиналари ўрнатилди. Бу электр энергияси ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни анча камайтирди.

«Шўртаннефтгаз» МЧЖ томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида корхонанинг энергия самарадорлигини юксалтириш мақсадида бир нечта лойиҳа амалга оширилмоқда.

2015 йилда корхонанинг бош иншоотидаги 1, 2-қозонхона ва сув таъминоти ҳамда канализация цехларида ишлатилаётган электр двигателлар фойдали иш коэффициентини ошириш

орқали электр энергиясини тежаш мақсадида частота ўзгарткичлар ўрнатиш лойиҳаси амалга оширилди. Натижада ушбу цехларда 2016 йилдан ҳозирга қадар 3,750 млн. кВт/соатдан ортиқ электр энергиясини тежашга эришилди.

Медиа-тур иштирокчилари «Муборакнефтгаз» масъулияти чекланган жамияти корхонасида ишлаб чиқариш жараёнида энергияни тежашга қаратилган янги технологик лойиҳалар билан танишди.

«Муборакнефтгаз» МЧЖ ҳам «Ўзнефтгазгазчиқариш» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи нефть ва газ қазиб олувчи йирик жамият-

лардан бири бўлиб, нефть, газ ва газ конденсати қазиб чиқаради. Корхонага қарашли мажмуа ва конларда 11 та газ тайёрлаш қурилмаси, 8 та сиқув компрессор станцияси, 7 та нефть тайёрлаш қурилмаси, битта конденсатни барқарорлаштириш қурилмаси, битта газ ҳайдовчи компрессор станцияси узлуксиз ишламоқда.

– Корхонамизда энергия самарадор лойиҳалардан бири «Сардоб» қонида амалга оширилди, – дейди «Муборакнефтгаз» МЧЖ бош энергетиги ўринбосари Бобур Рўзиев. – У ерга йўлдош газлардан фойдаланиб, 2 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш учун қиймати 5,5 млн. АҚШ долларлик янги турдаги микротурбинали генератор ўрнатилди. Қурилма ўтган йил охирида ишга туширилди. Мазкур лойиҳа асосида жамият объекти қисман электр энергия билан таъминланди, экологик ҳолат яхшиланди, электр таъминотидаги аварияни ўчириш ҳолатларининг олди олинди, корхонанинг молиявий ресурслари тежалди. Дастлабки ҳисоб-китобларга асосан корхонада электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган газнинг ўртача йиллик ҳажми 5,6 млн. куб метрни ташкил этмоқда. Қурилманинг йиллик электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми – 17 500 МВт. Йиллик иқтисод қилинган маблағ эса 821 300 АҚШ долларини ташкил этади.

ЎЗА МАТЕРИАЛИ АСОСИДА.

Сифат – саломатликдир

Бугун бозору дўконларимизда минглаб турли бежирим қадоқланган озуқа маҳсулотларини учратамиз. Уларнинг аксарияти юртимиз тadbиркорлари томонидан ишлаб чиқарилгани эса яна ҳам қувонарлидир. Кейинги йилларда ишбилармонларимиз томонидан ҳар қандай жаҳон стандартларига мос бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хорижга экспорт ҳам қилинмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бугун озуқа маҳсулотини ишлаб чиқаришда ўзига хос масъулият борлигини таъкидлаш жоиз. Сабаби биргина ишлаб чиқаришдаги кичик хато минглаб киши саломатлигига зиён етказиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, сифат бу саломатлик ҳам экан. Шу боис ҳукуматимиз томонидан барча турдаги маҳсулотларга давлат ва халқаро стандартлар жорий этилмоқда.

Шундан келиб чиқиб ҳозирги кунда бозорларимиздаги ҳамма озуқа маҳсулотлари сифатли, дея оламизми? Tadbиркорларнинг барчаси киши саломатлиги учун хавфсиз озуқа ишлаб чиқаряптими? «Ўзстандарт» агентлиги кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда қандай ишларни амалга оширмоқда? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида агентлик матбуот котиби Рауфжон Расуловга мурожаат қилдик.

– Маълумки, «Ўзстандарт» агентлиги озиқ-овқат маҳсулотлари устидан икки турдаги назоратни амал-

га оширади. Бу давлат назорати ва сертификатлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари устидан инспекция назорати бўлиб, уни республика бўйлаб амалга оширишда агентлик таркибида 14 та худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари фаолият кўрсатади.

Бевосита амалий ишларга тўхталадиган бўлсак. Ушбу бошқармалар томонидан бир йил ичида 170 дан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи тadbиркорлик субъектларида стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг мажбурий талаблари бажарилиши ҳамда метрология ва сертификатлаштириш қоидалари устидан давлат назорати ўтказилган. Унда 340 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги синовлардан ўтказилиб, шундан 80 турдаги (23,5 фоиз) маҳсулотлар амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқ деб топилган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари стандартлар билан

таъминланмаганлиги; танлаб олинган ва синовдан ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотлари стандартларда белгиланган физик-кимёвий кўрсаткичларга номувофиқлиги; ёриқлианиш ва қадоқлианиш, жумладан, ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмагани; сақлаш шaroитлари номувофиқлиги ҳамда мувофиқлик сертификатисиз ишлаб чиқарилиши ва сотилиши ҳолатлари тизимли учрамоқда.

Шунингдек, ўтказилган текширув натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи тadbиркорлик субъектларига 120 мартаба камчиликларни бартараф этиш, 32 та ҳолатда номувофиқ бўлган маҳсулотлар сотилишини тақиқлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган. 170 та мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиб, уларга нисбатан 38 628,4 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар қўлланилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш бўйича республикада 37 та идора фаолият юритади. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу идоралар томонидан 9 820 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилган бўлиб, улардан 2584 таси инспекция назоратидан ўтказилди, шундан 460 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш мuddати тўхтатилган ва 189 таси бекор қилинган.

Синов лабораториялари иши натижасида 2016 йилнинг 6 ойи давомида 2 млрд. 188 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари яроқсиз деб топилган, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткич 485 млн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, ички бозор ва истеъмолчиларни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида 2016 йил давомида жами 1 млрд. 103 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари яроқсиз деб топилган бўлса, ушбу кўрсаткич ҳисобот даврида 500 млн. сўмни ташкил этди.

2016-2017 йиллар (1 август ҳолатига кўра) давомида 95 та озиқ-овқат маҳсулотлари синов лабораториялари инспекция назоратидан ўтказилди. Бунда 59 та синов лабораториясининг фаолияти тасдиқланди, 32 та лабораториянинг фаолияти 10 иш кунига тўхтатилди, 5 та лаборатория фаолияти суд орқали тўхтатилди ва 3 та лабораториянинг аккредитация гувоҳномаси бекор қилинди.

Мухтасар айтганда, бугун агентлик тизимида изчил ислохотлар, янги-янги лойиҳалар ҳамда халқаро стандартларни жорий этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқимиз саломатлиги ва хавфсиз озуқа маҳсулотлари билан таъминлаш учун хизмат қилиши тайин.

Бобур МУҲАММАДИЕВ
ёзиб олди.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА

Ўзбекистон темир йўллари: янги лойиҳалар ва замонавий хизмат

Анжуманда ўтган даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли ва самарали боғлайдиган, халқаро транспорт тармоқларига чиқишни таъминлайдиган, мустақил, ягона ва яхлит темир йўл транспорти коммуникациялари тизими ҳамда шу йўналишда эришилган энг катта тарихий ютуқлар, ҳозирги вақтда юк ва йўловчи ташиш хавфсизлиги, тармоқнинг иқтисодийтимизни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳамда Ўзбекистон темир йўллари тизимидаги роли муҳокама қилинди.

Ўтган йиллар давомида темирйўлчилар томонидан 1100 километрдан ортиқ янги темир йўллар барпо этилди. 4 минг километрлик темир йўл магистраллари модернизация қилинди, 1700 километрлик темир йўл боғламалари электрлаштирилди.

— Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз иқтисодий ти учун гоат муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Амударё узра қурилган кўприкни

Халқаро пресс-клубда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир ана шундай номланди.

ҳам қамраб олган Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайстоғ, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон ва Ангрэн — Поп темир йўлларининг бунёд этилиши билан Ўзбекистоннинг ягона ва мустақил темир йўл тармоғини шакллантириш ишлари якунига етказилганини таъкидлаш зарур, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари Ойбек Худойқулов. — Мураккаб топ ва иқлим шароитида бунёд этилган, денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги тоғ чўққилари орқали ўтган ва замонавий инфратузилма объектлари билан таъминланган, умумий узунлиги 346 километр бўлган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон ҳамда 123,1 километр бўлган Ангрэн — Поп темир йўллари, умумий узунлиги 19,2 километр



бўлган Қамчиқ туннели Марказий Осиё минтақасида ноёб иншоотлар ҳисобланади.

Ана шу ишларнинг изчил давоми сифатида Мароқанд — Қарши темир йўл участкасида электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Қарши — Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Испаниянинг жаҳонга машҳур «Тальго» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» электропоездлари қисқа муддатда халқимиз ва хорижий меҳмонларнинг эътибори ва ишончини қозонди. Ҳозирги кунда 4 та ана шундай замонавий поезд пойтахтимиздан

Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга қатнаб, йўловчиларимиз вақтини 2 бараваргача қисқартирмоқда.

Ўтган даврда мамлакатимизда 16 та янги темир йўл вокзали бунёд этилди, 9 та вокзал реконструкция қилинди, 49 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташишга мўлжалланган тепловоз сотиб олинди, 120 та локомотив модернизация қилинди.

Темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва инфратузилмаларни ободонлаштириш мақсадида 7,5 млрд. АҚШ долларидан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 2,4 млрд. долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташкил этилган кундан буён юк ташиш ҳажми 2,1 баравар, йўловчи ташиш 2 баравар кўпайди, темир йўллар орқали 1,4 млрд. тонна юк ташилиб, 350 млн. йўловчи ўз манзилига етказилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Қурилиш тармоғидаги йирик лойиҳалар

Мамлакатимизда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти давр талаби ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш мақсадида изчил чора-тадбирларни олиб бориб, ўз таркибидаги корхоналар фаолиятини диверсификациялаш орқали тармоқда қатор инновация лойиҳаларни амалга оширмоқда.

«Ангрэн» эркин иқтисодий зонасида хитойлик инвесторлар билан биргаликда «Great Wall Ceramics» ҚҚ томонидан қуввати йилига 3,5 млн. кв.м бўлган сопол плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳаси шулар қаторидан ўрин олган. Корхонани ишга тушириш 2018 йил апрель ойига мўлжалланган бўлиб, бунинг натижасида юзга яқин янги иш ўринлари яратилиши, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош, сифатли пардозбоп сопол плиткаларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Жиззах вилоятида «Мега инвест» ҚҚ томонидан базальт толаси асосида замонавий энергия тежовчи арматура ва иссиқлик сақловчи материалларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаси ҳам шулар сирасига кириди. Бунда Европа технологиясига асосланган, евростандарт талабларига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 52 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 15 млн. доллари хорижий инвестицияни ташкил қилади.

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида қуввати йилига 2,1 млн. кв.м бўлган керамик плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси Эроннинг «EMG» хорижий корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур қувватлар 2017 йил тўртинчи

чорагида ишга туширилиши режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 11,0 млн. долларга тенг бўлиб, шундан 8,0 млн. доллари хорижий инвестициядир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 сентябрдаги «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2615-сонли Қарори бугунги кунда ички бозорни қурилиш материаллари билан тўлдиришда дастуриламал бўлмоқда. Унда республикаимизда қурилиш индустриясини янада модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш, минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш негизида экспорт маўлжалланган рақобатбардош ва импорт ўрнини босадиган қурилиш материаллари саноати тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, энергия самарадорлигини оширадиган ва ресурсларни тежайдиган замонавий илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш белгиланган бўлиб, айни пайтда ҳужжатга кўра, умумий қиймати 1,2 млрд. доллар бўлган жами 80 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган.

Қўшма корхоналар доирасини кенгайтириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш ҳамда маҳаллий қурилиш бозорини жаҳондаги мазкур тармоқ тенденцияларига интеграциялаш мақсадида Россия, Жанубий Корея, Хитой, Туркия ва бошқа давлатларнинг компаниялари билан музокаралар олиб борилмоқда

Ширин БАЙСЕНОВА.

«Ўзэлтехсаноат» тизимидаги корхоналар имконияти

Мустақиллик йилларида «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси томонидан жами 120 дан зиёд инвестицион лойиҳалар амалга оширилиб, пировардида, тармоқ корхоналари Жанубий Кореянинг «Самсунг», «ЭлДжи», Япониянинг «Шиваки», Хитойнинг «Хайер» ва «Мидеа», АҚШнинг «Моторола», Туркия Республикасининг «Одул» каби дунёнинг етакчи корпорациялари билан техник ҳамкорлик ўрнатилди. Бу ҳақда ташкилот томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида ахборот берилди.

Мамлакатимизда электротехника соҳасини ривожлантиришда салмоқли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунга келиб, республикаимиз тармоқда эҳтиёт қисмлардан тортиб, тайёр товарларни ишлаб чиқариш имкониятларини анча кенгайтирди. Айни пайтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар тайёрлаган маҳсулотларнинг қарийб 60 фоизи экспортга чиқарилаётгани фикримиз далилидир.

Ҳозирда тизимдаги 50 дан ортиқ корхонада кабель, сим, электротехника, маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, уларга техник хизмат кўрсатилмоқда. Мазкур корхоналар фаолиятини янада қийайтиришда Президентимизнинг 2017 йил 13 февралдаги «2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2772-сонли Қарори ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ҳужжатда компания томонидан ички ва ташқи бозорлар талабини чуқур ўрганишни ташкил этиш ва шу асосда соҳа корхоналарида истеъмол учун зарур бўлган янги турдаги маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга кўмаклашиш, бунинг учун электротехника тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш ва марке-

тинг фаолиятини мувофиқлаштириш юқори самарадор технологияларни кенг татбиқ этишни, кооперация асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштиришга асосий эътибор қаратилиши белгилаб берилган.

Қарор билан соҳа йўналиши бўйича умумий қиймати 475,8 млн. АҚШ долларига тенг 100 та инвестицион лойиҳанинг амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу ҳудудлар кесимида Қорақалпоғистон Республикасига 51,0 млрд. сўмлик 18 та, Қашқадарё вилоятига 33,6 млрд. сўмлик 8 та, Андижон вилоятига 38,3 млрд. сўмлик 3 та, Тошкент вилоятига 78,7 млрд. сўмлик 5 та ҳамда бошқа вилоятлардаги лойиҳалар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Мазкур лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида 2021 йилга бориб Ўзбекистон электротехника саноати соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2,5 бараварга, экспорт салоҳияти 2 бараварга оширилади. Шунингдек, янги турдаги тайёр ва бутловчи қисмларни ўзлаштириш эвазига импорт амалиётларини қисқартиришга, иш ўринларига талаб юқори бўлган ҳудудларда бандликни оширишга эришилади.

Эъзоз КАМОЛОВА.



Европа банклари АҚШдаги активларини камайтиришда давом этмоқда

«The Financial Times» нашрида ёзилишича, жахон молиявий инқирози бошланганидан буён сўнгги беш йил ичида еврохудуд мамлакатларининг банклари АҚШдаги ўз активлари ҳажмини салкам уч баравар қисқартирди.

Европа банкларининг Америкадаги активлари умумий ҳажми 2007 йилда 1,51 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, банкротлик эълон қилиш, активларни ҳисобдан чиқариш ёки бўлинмаларни сотиш орқали жорий йилнинг март ойида келиб жами активларнинг ҳажми 973 млрд. АҚШ долларига тушиб қолди. Мувофиқлаштирувчи идоралар томонидан талабларнинг кескинлаштирилиши, хусусан, капиталлашув миқдорининг оширилиши муаммоси ҳам еврохудуд кредит муассасаларининг АҚШдаги бизнес ҳажми қисқаришига сабаб бўлди, деб ёзади eizvestia.com.

Ҳамкорлардан бири ҳисобланмиш «Allen&Overy» юридик компанияси вакили Дуга Ландининг фикрича, бугунги ҳолат Европа банкларининг 10-20 йил аввалги ҳолатини ёдга туширади. Уша

вақтлар ҳам уларнинг баланси бугунгидек камтарона ва анъанавий эди.

Франция ва Германия («BNP Paribas» ва «DeutscheBank») аввалгидек АҚШда юритилаётган йирик хорижий амалиётларни бошқариб келмоқда. Бироқ Франциянинг «BNP», «CréditAgricole» ва «SociétéGénérale» номли молиявий муассасалари ўз балансини қисқартиришни режалаштирган.

Ҳуқуқшунослар, банк ходимлари ва таҳлилчилар еврохудуднинг аксарият муаммоси Америка банклари фаолиятига ўз таъсирини кўрсатаётганини маълум қилмоқда. Мисол учун, «WellsFargo» ва «JPMorganChase» банклари ўтган йили Англия-Ирландия банкининг 9,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридоғи кредитига эга бўлган эди. «CapitalOne» компанияси эса Голландиянинг Америкадаги «ING» онлайн-бизнесини сотиб олди.

«Bitcoin» қиймати ошмоқда

Сўнгги икки ҳафта давомида «Bitcoin» нархи қарийб 50 фоиз (ёки 1400 АҚШ доллари) ошди.



Криптовалюта ҳисобланмиш биткоин 13 августда янги рекорд натижани кўлга киритди. Унинг қиймати 4000 АҚШ долларидан ортиб кетди, биргина биткоинни тайёрлаш ўртача 4112 доллар (энг қиммати 4150 доллар) га тушмоқда, деб хабар беради «AIN» телеканали «Coindesk» маълумотларига таянган ҳолда.

Бу эса биткоин яратилганидан буён кузатилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. «Coindesk» берган маълумотга кўра, биргина 12 август куни бир неча соат давомида унинг қиймати 4000 АҚШ долларигача кўтарилган,

биноқ бироз ўтмай яна 3800 долларга тушиб қолган. Кейин биткоиннинг янги нархи янада оширилган ва 4100 АҚШ долларидан ортиб кетган. Криптовалютанинг умумий капиталлашуви 67,1 млрд. АҚШ долларига етган.

Бу жараёнда «BitcoinCash» ҳам даромадга эга бўлди. Сўнгги ҳафта давомида унинг қиймати минимал кўрсаткичдан ортди ва ўртача 300 АҚШ долларига баҳоланмоқда. Қайд этилишича, унинг бугунги нархи 299 АҚШ долларини, умумий капиталлашув ҳажми 28,1 млрд. долларни ташкил этди.

Хакерлар маълумоти бўйича изоҳ кутилмоқда

Хакерлар томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, АҚШ миллий хавфсизлик агентлиги молиявий хизматлар кўрсатилишида пулларни ноқонуний ўзлаштиришга қарши курашувчи компаниялар ҳисобланмиш «SWIFT»га тегишли иккита хизмат кўрсатиш бюроларининг тизимлари, жумладан, «EastNets» компаниясининг Дубайдаги идораси тизимига хуфийна кирган.



Агарда бу маълумот ўз тасдиғини топса, МХА компанияларнинг Яқин Шарқ мамлакатларидаги банклар ва бошқа молиявий муассасалар билан тузган битимларини тўлиқ назоратга олиши мумкин. Бироқ «EastNets»дагилар ўз тармоқларига руҳсатсиз қирилганига оид маълумотни рад этмоқда.

Шунга қарамай, аксарият мутахассислар хакерлар тақдим этаётган маълумотларга ишониш мумкинлигини қайд этмоқда. Лондондаги Университет коллежи тадқиқотчиси Мустафо Бассамнинг фикрича, хакерлар томонидан эълон қилинган маълумот МХАнинг Фаластин, Қувейт, БАА, Қатар,

Яман ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатларининг инвестициявий ва нефть компаниялари, кўплаб банкларига тегишли маълумотлар кўздан кечирилганини билдиради.

«Tenable» компаниясининг киберхавфсизлик бўйича мутахассиси Крис Томас Рейтер агентлигига берган интервьюсида «ShadowBrokers» томонидан эълон қилинган маълумотлар ва ҳужжатлар МХАнинг «SWIFT» маълумотларига эга бўлиши нафақат молиявий оқимларни кузатиш, балки террорчилик гуруҳлари томонидан ўтказиладиган молиявий транзакцияларга аралашиш мумкинлигини кўрсатади.

Осиё биржаларида ижобий натижалар

Осиёдаги фонд майдонида бўлиб ўтган савдо якунига кўра, аксарият компаниялар жорий ҳафтанинг душанба кунинда кўплаб кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларни кўлга киритди.

Айни пайтда Япониянинг «Nikkei» 225 қимматли қоғозлари нархи сўнгги савдога нисбатан 0,98 фоизга тушиб, 19 537,1 пунктни ташкил этган бўлса, Гонконгнинг «Hang Seng Index» компанияси қимматли қоғозлари қиймати 1,36 фоиз ошди ва 27 250,23 пунктка етди. «SSE Composite» Шанхай фонд биржасининг индекси эса 0,9 фоизга

ортди ва 3 237,36 пунктка тенг бўлди. Сингапурнинг «StraitsTimesIndex» кўрсаткичлари ўтган савдо якунларига нисбатан 0,88 фоиз кўтарилди ва 3 308,69 пунктка етди. Жанубий Кореянинг «KOSPI»сида савдо якунидаги кўрсаткич 0,63 фоиз ортганини ва 2 334,22 пунктка тенг бўлганини кўрсатади.



Инновацион компаниялар кучли ўнталиги

Яқинда «Forbes» журналі томонидан дунёнинг энг инновацион компаниялари рўйхати еттинчи бор эълон қилинди.



Сўнги 2 йил мобайнида дунёнинг иккинчи инновацион компанияси сифатида эътибор этилган «Salesforce» бу йилги рўйхатда етакчига айланган. Ундан кейинги ўринни «Tesla Motors» компанияси ва учинчи ўринни ўз рақобатчиларидан 8 поғона юқорилаб, ўзига хос шов-шув таратган «Amazon» компанияси эгаллаган.

Рўйхатнинг тўртинчи ва бешинчи ўринларида Хитойнинг «Shanghai Raas Blood Products» компанияси ҳамда дунё кино саноатидан юқори мавқени эгалловчи «Netflix» компанияси қайд этилди.

«Innovators DNA» фирмаси мутахассислари кўмағида тузилган мазкур рўйхатдан бозорга янги кириб келган ва технологик янгиликларни ярата олган иштирокчилар ҳам ўрин олган. 22-ўриндаги «Constellation Software», 34-ўриндаги «Ultra Beauty», 39-ўриндаги «GenMab»,

75-ўриндаги «Pandora» шулар жумласидандир.

Бир муддат рўйхатда кўриниш бермаган «Procter and Gamble» (89-ўрин), «Intuit» (66-ўрин), «Yahoo Japan» (84-ўрин) ва «Pepsico» (95-ўрин) компаниялари яна кучли юзталиққа кирди.

Осиё қитъаси мамлакатлари – Хитой, Ҳиндистон, Индонезия ва Жанубий Кореяга тегишли олтита компания ҳам дунёнинг энг инновацион компаниялари рўйхатида кучли йиғирматалиқдан жой олди.

Маълумот учун айтиш жоизки, энг инновацион компания сифатида тан олинishi учун компаниялар жамоасидан инновацион ва, молиявий даромад келтирувчи йирик лойиҳа устида иш олиб бориш талаб этилади. Шу билан бирга, халқаро бозордаги меҳнат тажрибаси ва камида 10 млрд. АҚШ долларига тенг капитал айланмаси ҳам мавжуд бўлиши керак.

Инновацион компаниялар ТОП-10лиги

	Номи	Мамлакат	Ихтисослашуви
1	SALESFORCE.COM INC	АҚШ	Application Software
2	TESLA INC	АҚШ	Automobile Manufacturers
3	AMAZON.COM INC	АҚШ	Internet and Direct Marketing Retail
4	SHANGHAI RAAS BLOOD PRODUCTS CO LTD	Хитой	Biotechnology
5	NETFLIX INC	АҚШ	Internet and Direct Marketing Retail
6	INCYTE CORP	АҚШ	Biotechnology
7	HINDUSTAN UNILEVER LIMITED	Ҳиндистон	Household Products
8	ASIAN PAINTS LIMITED	Ҳиндистон	Specialty Chemicals
9	NAVER	Жанубий Корея	Internet Software & Services
10	REGENERON PHARMACEUTICALS	АҚШ	Biotechnology

Жасур МИРЗАЕВ.

«Royal» сув иситгичлари Ўзбекистонда

Бугун бутун дунёда техника ва технологиялар жадал суръатлар билан тараққий этиб бормоқда. Хусусан, АҚШ ва Европа давлатларида бундан бир неча йиллар муқаддам қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда сув иситиш технологияси қўлланилиб келган.

Юртимизда ушбу технологиялар илк бор «Royal» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Ушбу қуёшли сув иситгичлари – қуёш энергияси ёрдамида сувни иситиш учун мўлжалланган бўлиб, бизнинг иқлимга мослиги билан ҳам аҳамиятлидир.

2016 йилнинг якунидан бошлаб «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторияларида қуёшли сув иситгичларидан фойдаланиш бўйича тажрибалар бошланди. Бу тажрибалар «Royal» илмий маркази вакиллари ташаббуси билан қуёш энергетикаси соҳасидаги етакчи мутахассислар иштирокида ўтказилди. Тажрибаларда «Royal» қуёшли сув иситгичлари унга ўхшаш импорт маҳсулотлари би-

лан таққосланди ва синовдан ўтказилди. Ўзбекистон бозорида сифатли сув иситадиган қурилмалар ишлаб чиқарувчиси сифатида танланган «Royal» сув иситгичлари Ўзбекистон истеъмолчилари орасида катта талабга эга. Шунинг учун қуёшли сув иситгичлари мазкур брендининг маҳаллий бозордаги ўрнини мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб беради.

«Royal» қуёшли сув иситгичлари икки турга бўлинади. Горизонтал қуёшли сув иситгичлари индивидуал қурилма бўлиб, бак ва коллектордан иборат. Улар хусусий уйлар, кotteжлар ва дала-ҳовлиларга мос келади. Ҳозирда сифими 200 ва 300 литр бўлган горизонтал қуёшли сув иситгичларини ишлаб чиқариш

режалаштирилмоқда. Бундай сизим 4 ёки 6 кишидан иборат оиланинг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжини бемалол қондира олади.

Иккинчи турдаги вертикал қуёшли сув иситгичларининг сифими 300 дан 1000 литргача бўлган аҳоли уйлари, кўп қаватли офислар, давлат муассасалари учун мос ҳисобланади. Вертикал сув иситгичнинг баки ертўла каби жойларга, коллекторлар эса бинонинг томига ўрнатилади.

Коллектор – қуёш энергиясини йиғувчи қурилмадир.

Вертикал қуёшли сув иситгичлари қуёш нурларида ҳам, марказий иситиш тизимида ҳам ишлаши мумкин.

«Royal» қуёшли сув иситгичларини кенг кўламда ишлаб чиқариш жорий йилнинг сентябрь ойига мўлжалланмоқда, шу ойланинг ўзида Ўзбекистон бозорида қуёшли сув иситгичларининг биринчи партияси сотувини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда.

«Туркистон-пресс» НАА материали асосида.


Уйқусизлик соғлиққа зарарлигининг 6 қоидаси

1 Миямиз толиқиб қолади. Инсон мияси узоғи билан кечки соат 23:00 гача бедор бўлиши мумкин, деб ёзади darakchi.uz. Агар соат 23:00 дан сўнг ухлашга одатланган бўлсангиз, вақт ўтгани сайин ақлий фаолиятингиз сустлашиб боради. Баъзилар тунги соат 23:00 дан соат 2:00 гача мизгиб олишади, сўнг ёзув-чизув ишларини бажаришади. Бу ҳам соғлиққа зарар. Айниқса, асаб тизими зарарланади. Ҳолсизлик, жиззакилик, кайфият ўзгариши кузатилиши мумкин.

2 Ташқи кўринишингиз ўзгаради. Тунда организмдаги ҳужайралар янгиланади. Бунинг учун эса уларга дам бериш керак. Организм уйғоқ ҳолатда бўлганида янгиланиш жараёнлари содир бўлмайди. Қарабсизки, юз терисига ажин тушиши, рангарлик кабилар юзага келади.

3 Сурункали чарчоқ. Аввалига кундузи уйқунгиз келаётгандек туюлади. Бора-бора меҳнат лаёқати камайиб, хотира сустлашади, диққатни жамлашга қийналасиз. Чунки организм жуда ҳам толиққан. Уйқусизлик эса захира қувватини ҳам тортиб олаятти.

4 Тана вазнининг ортиши. АҚШлик олимларнинг олиб борган тадқиқот натижасига кўра, етарлича ухламайдиган аёлларда тана вазни тез ортиб боради. Кам ухлаш моддалар алмашинувиға таъсир этиб, турли ўзгаришларга олиб келади.



5 Иммунитет заифлашади. Ҳаммаси кундек равшан. Уйқунинг етарли бўлмаётгани иммун тизимини ишдан чиқаради. Организмдаги алмашинув жараёнлари бузилиб, иммунитет заифлашиб боради. Бу ҳолат тез-тез шамоллаш ва тумов билан кузатилиши мумкин.

6 Эрта кексайиш. Қон айланиши яхши бўлса, тери ҳужайралари кислород билан тўйиниб, аминокислотлар мезъбрида бўлади. Юз ва баданга ажин тушиши кузатилмайди. Бунинг акси бўлганида эса ёшга доир ўзгаришлар фаоллашиб, эрта кексайиш аломатлари юзага келиши мумкин.

Интернет материали асосида.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиғи билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кўни чиқади.

Буюртма № 1097.

Адади 4831 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 16.08.2017 й., 9.00.